



# ГЕОГРАФИЯ XXI АСРДА:

МУАММОЛАР, РИВОЖЛАНИШ  
ИСТИҚБОЛЛАРИ



РЕСПУБЛИКА  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ



САМАРҚАНД - 2017



қолган: Фарғона, Наманган, Қува ва Қўқон метеостанцияларида 1975-2010 йиллардаги ўртача йиллик ёғин миқдори барча олдинги даврларга нисбатан юқори (1-жадвал).

1-жадвал

Фарғона водийси ёғин миқдори(Z)даги ўзгаришлар

Даврлар	Фарғона	Андижон	Наманган	Қува	Қўқон
1881-1935	174	226	188	186	98
1891-1964	172	247	182	196	109
1891-1980	182	261	189	206	
1926-1945	173	238	184,6	185	102
1946-1975	176	243	168,3	193	88
1971-2000	185	241	185	206	126
1976-2010 (Z <sub>i</sub> )	189	236	194	206	132
Z <sub>i</sub> -Z <sub>1881-1935</sub>	15	10	6	20	34
Z <sub>i</sub> -Z <sub>1891-1964</sub>	17	-11	12	10	23
Z <sub>i</sub> -Z <sub>1891-1980</sub>	7	-25	5	0	
Z <sub>i</sub> -Z <sub>1926-1945</sub>	16	-2	9	21	30
Z <sub>i</sub> -Z <sub>1946-1975</sub>	13	-7	25	13	44
Z <sub>i</sub> -Z <sub>1971-2000</sub>	4	-5	9	0	6

Айниқса Фарғона водийсининг ғарбида жойлашган Қўқон метеостанциясида йиллик ёғин миқдорининг даврлар бўйича ортиб бориши жадал эканлигини қайд этиш лозим. 1976-2010 йиллардаги ўртача йиллик ёғин миқдори олдинги даврлардаги миқдорларга караганда 30-40%дан кўплиги буни янада тасдиқлайди.

Юқоридаги таҳлилларга таяниб, Фарғона водийсининг катта қисмида 1976-2010 йилларда йиллик ёғин миқдори ортиб бормокда ва бу жараён водийнинг ғарбида кескинроқ кечган ҳолда, шарқий қисмида эса ёғин миқдори бироз камаймокда деб ҳулоса қилиш мумкин.

#### Адабиётлар

1. Камолов Б.А., Солиев Э.А. Оценка реакции стока крупных рек межгорных впадин на глобальное потепление климата //Метеорология и гидрология, №11, 2012.-с.67-74.
2. Камолов Б.А., Хусанова Г.Х. Оценка реакции температуры воздуха Ферганской долины на глобальное изменение климата //Молодой ученый, Россия, №10, 2012.-с.102.

Рахматуллаев А., Ширинбоев Д., Адилова О.(Самарқанд, СамДУ, Жиззах, ЖизДПИ)

#### ҒЎБДИН ТОҒ ЯЙЛОВЛАРИДА ЧЎЛЛАНИШ ЖАРАЁНИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДИНАМИКАСИ

Ғўбдин тоғи Нурота тоғлар тизимининг энг шарқий қисмида жойлашган бўлиб, ўртача баландликдаги тоғлар қаторига киради. Унинг баланд нуқтаси денгиз сатҳидан 1672,8 метр кўтарилган. Нурота тизмасидаги бошқа тоғларга ўхшаш Ғўбдин тоғининг шимолий ёнбағри тик ва қиска, Зарафшон водийсига караган жанубий ёнбағри узун ва қия. Ёнбағирларнинг бундай асимметрик жойлашиши гидрографик тўрға, тупроқ ва ўсимликлар қопламанинг тарқалишига таъсир кўрсатади. Сойлар жанубий ёнбағрида узун, лекин, булоқлар кам сувли, шимолий ёнбағрида эса булоқлар кўп, серсув ва уларнинг аксарияти йил давомида оқиб туради. Шу сабабли ҳам тоғнинг шимолий ёнбағрида кишлоқлар анча кўп ва зич жойлашган.

Маҳаллий аҳоли чорвачилик ва лалмикор дехқончилик билан шуғулланади. Кейинги йилларда тоғ атрофларида аҳоли сонининг купаёиши тоғ ва тоғолди текислик яйловларининг қашшоқланишига катта таъсир кўрсатмокда, бу йирик кишлоқлар атрофларида яққол сезилмокда. Умуман, ҳозир ҳамма кишлоқларда, ҳар бир оилада 10-15 бош қўй, эчки, 2-4 бош қорамол бор. Баъзи, иктисодий бақувват катта оилаларда 100-200 бош қўй, эчки ва 10-20 бош қорамол борлигини аниқладик. Моллар сонининг кўплиги ва улар асосан яйловларда



йил давомида ҳайдаб боқиладиганлиги туфайли қишлоқлар атрофларида табиий ўтлар сийраклашган, яхши озубоқ ўсимликлар ўрнига бегона ўтлар тури (кўзикулок, қилтиқ, москвук, тикан, арпаган ва бошқ.) кўпайган. Доимо йил давомида мол боқилишидан қишлоқ яқинларида чорва моллар туёқлари туфайли ҳосил бўлган зич мол йўлаклари ҳосил бўлган. Бу "излар" эгаллаган майдонни аниқлаш мақсадида Ғўбдин тоғининг энг шарқий қисмида, тоғолди текислигида жойлашган Эшмонтўп қишлоғида махсус тадқиқот ишларини олиб бордик. Қишлоқда 300 та оила яшайди ва ҳисобимиз бўйича 3200 тадан ортиқ қўй ва эчки, 850 дан ортиқ қорамол мавжуд. Бу қишлоқнинг чорва моллари деярли йил давомида очик яйловда боқилади. Яйлов ўсимликлари қопламини аниқлаш мақсадида қишлоқдан 300 метр, 1000 метр ва 1500 метр узокликда жой танланди ва бўйи ва узунлиги 10 метрлик майдонча тайёрланди. Бу майдонча эни ва бўйи 1.0 метрлик кичик панжараларга бўлинди. 100 та 1 м<sup>2</sup> ли кичик панжараларнинг ичида ҳар бир квадратда қанча жой ўсимлик билан бандлиги ва қанчаси очилиб қолганлиги ҳисоблаб чиқилди.

Ҳисоб ишларидан шу нарса аниқландики, қишлоққа яқин 300 метр масофада ўсимликсиз очилиб қолган ялонғоч ерлар умумий майдонининг 70-75 % ни, 1000 метр узокликдаги участкада, очик ерлар 50-55 % ни ва учинчи 1500 метр узокликда ўсимликсиз ерлар 35-45 % майдонни эгаллайди. Участкалар танланганда бир-бирларига ўхшаш бир хил ёнбағирлар экспозицияси олинди. Ёнбағирлар экспозицияси ва қиялик даражасининг катталигини ўзгариши ўсимликлар қопламига таъсир кўрсатади. Чўлланиш жараёни табиий ўсимлик қопламининг 50 % йўқотилган ҳолатидан бошлаб ҳисоблаш мумкинлиги илгари чоп этилган ишларда кўрсатилга (Раҳмауллаев А., Адилова О., 2014).

Биз тадқиқот олиб бораётган Эшмонтўп қишлоғи ва унинг атрофларидаги яйловларда рўй бераётган чўлланиш фақат шу жойга хос жараёндир. Юқоридаги ҳисоблар бўйича ушбу қишлоқ атрофларида ўсимлик қопламининг 50 % га қамайиши 1000 метр радиусдаги масофада аниқ билинади. 1000 метрдан узоклашган сари чорва моллар юришидан ҳосил бўлган йўлаклар, тупроқлари ювилган жойлар қамайиб боради. Лекин, чорва моллар юришидан ҳосил бўлган йўлаклар қишлоқдан 2000-2500 метргача аниқ билинади ва ёнбағир бўйлаб бир-бирига параллел бўлган йўллар зиналарини, баъзан йўллар турини ҳосил қилади. Бу йўллар зичлиги ҳам чорва молларнинг ҳар кунлик юрадиган йўлига боғлиқ.

Аҳоли кўп яшайдиган йирик қишлоқлар атрофларида чорва моллар сони ҳам кўп, уларда чўлланиш жараёни рўй бераётган жойлар қишлоқдан 2000, баъзан 3000 метргача боради. Чорва молларининг йўли, боқиш давомийлиги ҳам жой рельефига боғлиқ. Шунга боғлиқ ҳолда қишлоқлар атрофларида чўлланиш ривожланган жойлар қишлоқ атрофларини аниқ айлана кўринишида ўраб олмайди. Унинг плани чизиб олинса, турли томонларга чўзилган турли геометрик шаклларга ўхшайди. Умумий ҳолатда қишлоқлар атрофларида, қишлоқдаги чорва моллар сонига боғлиқ ҳолда 2000-2500 метргача ҳақиқий чўлланиш жараёни шаклланганлигини кўриш мумкин. 2000-2500 метр масофадан 3500-4000 метргача ҳам чорва моллар боқилишининг яйловларда излари аниқ сезилади. Умуман қишлоқлар атрофларида тез ривожланиб бораётган чўлланиш жараёнини ўрганиш аниқ ўлчаш, кузатиш, таҳлил қилиш ишларига асосланиши керак. Чунки, чорва молларининг ўсимликлар деградациясига таъсири тупроқларга, тупроқлар орқали ер усти ва ер ости сувларига таъсир кўрсатади ва яйлов табиатида умумий қашшоқланиш бошланади. Бу жараёни ўрганиш тажриба методларига асосланилган комплекс географик тадқиқотларни талаб қилади.

#### Адабиётлар

1. Раҳматуллаев А., Адилова О. Тоғларда чўлланиш жараёнини таянч-тажриба участкалар ёрдамида ўрганиш методикаси. Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 43-жилд. – Тошкент, 2014. -3-5 б.
2. Раҳматуллаев А., Носиров М.Г., Адилова О. Ғўбдин тоғида ўсимликлар деградациясининг таянч-тажриба участка ёрдамида ўрганиш. //Чўл-яйлов чорвачилигини модернизациялаш муаммолари. Республика илмий –амалий конференция материаллари. –Самарқанд, 2012. - 318-321 б.



<b>Рахматуллаев А., Ширинбоев Д, Адилова О. (Самарқанд, СамДУ, Жиззах, ЖизДПИ).</b> Ғўбдин тоғ яйловларида чўлланиш жараёнининг ривожланиш динамикаси .....	105
<b>Халилова Х.Т. (Тошкент, Тошкент молия инс-ти).</b> Ўзбекистон сув ресурслари ва уларнинг истиқболлари .....	107
<b>Боймирзаев К.М. (Наманган, НамДУ).</b> Арид худудларда суғориш иншоотларидан фойдаланиш ва уларнинг ландшафт – экологик шароитга таъсири .....	108
<b>Мамажонов М. (Андижон, АнДУ).</b> Андижон вилояти каналларининг амалий аҳамияти ...	110
<b>Усманова Р., Қурбонова Г. (Қарши, ҚарДУ).</b> Сув омборларидан рекреация мақсадларида фойдаланишнинг географик хусусиятлари .....	115
<b>Низомов А., Сафаров У.Х., Нугманова А.А., Матназаров А.Р. (Тошкент, ТДПУ).</b> Абу Райхон Беруний гидрологик шароитнинг маъмурчиликка таъсири ҳақида.....	117
<b>Иззатуллаев З.И., Боймуродов Х.Т. (Самарқанд, СамДУ).</b> Ашиқўл моллюскалари ва уларнинг экологик гуруҳлари хусусида илк маълумотлар .....	119
<b>Боймирзаев К.М., Мирзахмедов И.К. (Наманган, НамДУ).</b> Ўзлаштирилган арид худуд- ларнинг мелиоратив ҳолати ва уларни қулайликлаштириш .....	121
<b>Sabitova N.I., Xoldorova G., Abdug'aniyeva N., Jonizoqov I. (Toshkent, O'zMU, Jizzax, JizDPI).</b> Jizzax viloyati gidrotexnik inshootlarining xo'jalik va tabiiy-ekologik muammolari .....	123
<b>Жумаханов Ш.З. (Наманган, НамДУ).</b> Наманган вилояти сойлари: антропоген таъсирининг ижобий ва салбий натижалари .....	125
<b>Солиев И.Р. (Наманган, НамДУ).</b> Фарғона водийси дарёлари оқими ва ер ости сувлари сатҳи ўртасидаги боғлиқликларни баҳолаш .....	128
<b>Абдумўминов Б.О., Сагторов А.У. (Термиз, ТермизДУ).</b> Жанубий Ўзбекистоннинг булок сувларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалалари .....	130
<b>Rasulova S.A. (Navoiy, NavDPI).</b> Quyí Zarafshon hududida yer va suv resurslaridan oqilona foydalanish .....	131
<b>Жумаева Х.Х. (Қарши, Қарши банк КХК).</b> Қашқадарё вилояти суғориладиган ерларидан фойдаланиш масалалари.....	133
<b>Журахужаев Д.Д., Мамирова М.Ў., Қувондиқов Б.К. (Жиззах, ЖизДПИ).</b> Курукликдаги орол – Миёнкол .....	134
<b>Намозов Ж.А., Очилов Ш.М. (Тошкент, ЎЗМУ).</b> Самарқанд вилоятида сув ресурсларидан фойдаланиш динамикаси .....	137
<b>Ғаниев Ш.Р., Хушназаров И.Ш. (Самарқанд, СамДУ).</b> Ўрта Зарафшон дарёлари хавзаларининг метеорологик ўрганилганлиги .....	138
<b>Тошмонова Ч., Нормуротова И. (Самарқанд, СамДУ).</b> Қашқадарё вилояти дарёлари оқимининг йил ичида тақсимланиши.....	141
<b>Муқумова Х.И. (Қарши, ҚарДУ).</b> Суғориладиган ерларда ландшафтлар ўзгаришининг хусусиятлари.....	143
<b>Хайтов Ё.К., Зияев Р.Р., Эрлапасов Н.Б. (Бухара, БухГУ, Ташкент, НУУз).</b> Перспективы развития методов очистки и вторичного использования возвратно-сточных вод Зарафшанского оазиса .....	145
<b>Якубова Х.М. (Тошкент, Ирригация ва сув муаммолари ИТИ).</b> Сирдарёнинг юқори оқимида сув захираларини бошқариш тартиботи.....	148
<b>Артикова Ф.Я., Исакова А.Я., Саидова Д.А., Тураева Б.Б. (Тошкент, ЎЗМУ).</b> Чотқол дарёси хавзасининг гидроэкологик шароити ҳақида.....	149
<b>Азимова Г.У., Ишниязова Ф.А. (Тошкент, Тошкент гидрометеорология КХК).</b> Атмосфера ёгинлари кимёвий таркибининг антропоген омиллар таъсирида ўзгариши Ҳақида .....	152
<b>Баратов Х., Ғаниев Ш., Тожиев Б., Тоштемиров Б. (Самарқанд, СамДУ).</b> Самарқанд вилоятининг маиший-хўжалик чиқиндилари ва улардан фойдаланиш муаммолари.....	153
<b>Сабирова Н.Т. (Самарқанд, СамДУ).</b> Айдар-Арнасой кўллар тизимининг шаклланиши ва уларни атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш .....	156